

ЧИРЧИҚ ВОҲАСИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ НАТИЖАЛАРИ: ТАРИХШУНОСЛИК, ТАБИЙ РЕСУРСЛАР ВА АНТРОПОГЕН ЛАНШАФТИ МАСАЛАЛАРИ

Рахмон Зиёдуллаевич ИБРАГИМОВ

кичик илмий ходим

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Миллий археология маркази

Тошкент, Ўзбекистон

rzibragimov65@mail.ru

Аннотация

Мақолада Чирчиқ воҳасидаги палеолит даврига оид ёдгорликлар бўйича амалга оширилган археологик тадқиқот ишларининг натижалари, топилмалар хусусиятлари ва уларнинг палеолит даври табиий ресурслари антропоген ландшафти масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: Чирчиқ воҳаси, палеолит, мустье, сўнги палеолит, тош куроллар, фор-макон, тадқиқот, қазилма, антропоген ландшафт.

РЕЗУЛЬТАТЫ ИЗУЧЕНИЯ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ПАМЯТНИКОВ ЭПОХИ ПАЛЕОЛИТА ЧИРЧИКСКОЙ ДОЛИНЫ: ВОПРОСЫ ИСТОРИОГРАФИИ, ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ И АНТРОПОГЕННОГО ЛАНДШАФТА

Рахмон Зиёдуллаевич ИБРАГИМОВ

младший научный сотрудник

Национальный археологический центр

Академии наук Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

rzibragimov65@mail.ru

Аннотация

В статье изложены результаты археологических исследований памятников, характерные черты и особенности находок, и их значение в изучение истории природного ресурса и антропогенного ландшафта эпохи палеолита.

Ключевые слова: Чирчикская долина, палеолит, мустье, поздний палеолит, каменное орудие, грот, антропогенный ландшафт.

Палеолит даври ёдгорликлари ва улардан топилган моддий манбаларда акс этган ибтидоий давр тарихини ўрганиш қадимшунослик фанининг муҳим ва ўз навбатида долзарб масалаларидан бири саналади. Шу нуқтаи назардан ўтган асрнинг 50–80-йилларида Чирчиқ воҳасининг палеолит даврига оид ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқот ишлари ва уларнинг

натижасида ўрганилган моддий манбалар Ватанимиз ибтидоий тарихини ўрганишда муҳим ўрин эгаллаган.

Тошкентнинг ғарбий қисмини ташкил этган Чирчиқ воҳаси шимоли-ғарбда Ғарбий Тяньшан тоғ тизмасининг Угам, шимолда Пском ва шимоли-шарқда Чотқол тоғ тармоқлари билан ўралган. Талас Олатови музликларидан тўйинган Чотқол, Пском, Кўксув ва Қоржантовдан оқиб тушадиган Угам каби кичик дарёлар Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади.

Чирчиқ воҳасининг тош даври ёдгорликларини ўрганишнинг бошланиши ўтган асрнинг 40-йилларида қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудудлардан тасодифий топилган тош қуроллари билан боғлиқ. 1942 йил Қуйи Бўзсув Гидроэлектр станциясининг қурилиши пайтида Бўзсув 1,2 макон жойлашган ерлардан инженер Н.М.Соколов бир нечта тош қуролларини териб олган. 1945 йилда В.Попондипуло Писком дарё воҳаси ҳудудидан тиғи ретушланган тош қуролларини топган. Улар ушбу топилган тош қуролларининг хусусияти, даври ва илмий аҳамияти тўғрисида маълумот бермаган. 1954 йилда Ўрта Осиё Давлат университети Геология факультети талабалари А.В.Головченко ва О.И.Исломовлар Янгийўлдан 10–12 км. шимоли-ғарбда, қадимги Бўзсув канали бўйидан топилган тош қуролларини Г.В.Парфеонов палеолит даврига оидлигини аниқлаганидан сўнг ёдгорликларни ўрганиш ишлари бошланган.

XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмидан археологик ёдгорликларда тизимли тадқиқот ишларини ташкил этиш ва уларни ўрганишга илмий ёндашила бошлайди. 1956 йилда А.П.Окладников раҳбарлигида археолог ва геологлар Бўзсув 2 ёдгорлигида текшириш ишларини олиб бориши натижасида маконнинг юзасидан тош қуроллар ва палеоантропологик материалларни териб олган. Улар нуклеуслар, учриндилар, пластинкалар, ясалиши тугалланган тайёр қуролларни ташкил этиб, ярим шаффоф, сариқ ва жигар рангли чақмоқтошлардан ясалган. Ҳайвон суякларининг изотопли таҳлили бўйича макон мил. авв. 38000 йиллик билан даврлаштирилиб, юқори

палеолит даврининг Мирзачўл ётқизиғига тегишли Q₃ босқичига оид бўлган [14;51–60].

1957 йилда Г.В.Парфеонов раҳбарлигидаги мактаб ўқувчилари томонидан Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида, Хўжакент қишлоғида жойлашган Хўжакент 1 ғори очилган. 1958–1959 йилларда ЎзР ФА тарих ва археология институти А.П.Окладников раҳбарлигида отряд ғор-маконнинг 36 кв.м. (6х6 м.) жойида қазилма ишлари олиб бориб, мустье даврига оид тиғи текис пластинка ва призмасимон шаклли нуклеуслардан иборат тош қуролларини топган. Ғор маконнинг безовта қилинмаган (Д-3) маданий қатламидан қалинлиги 1 см, диаметри 40 см. ўчоқнинг изидан дарак берувчи кул қолдиқлари аниқланган. Ундан топилган кам сонли тош қуроллар маҳаллий ҳудудда тарқалган оҳактош, қайроқтош ва чакмоқтошдан ясалган [12; 68-76], [13; 23-30].

1958–1959 йилларда А.П.Окладников Хўжакент ғор-маконидида илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган пайтда Х.К.Насриддиновга Чирчиқ дарёсининг юқори оқими ерларини текшириб чиқиш вазифаси юклатилиб, бу ердаги бир нечта жойдан мустье даврига оид тош қуролларини топишга муваффақ бўлган [8; 65], [9;68–75.].

Мазкур отряд ходимлари П.Т.Коноплей ва М.Брилянт Хумсон-Хўжакент, Угам, Бурчмулла қишлоғи атрофи, Обираҳмат, Юсуфхона ва бошқа яқин атрофдаги жойларда археологик текшириш ишларини олиб бориб, мустье даври белгиларига эга бўлган нуклеус, юпқа тош қуроллар ва учриндилардан ташкил топган ўттиздан ортиқ тош қуролларни териб олган. Кўксув дарёсининг Чотқол дарёсига қўйлиши яқинидаги Кўприқбоши деган жойдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган тош қуроллар мажмуаси топилган. Улар икки томонига ишлов берилган қуроллар, кесувчи қуроллар, нуклеуслар, пластинкалар, учриндилар ва ўйиқ тиғли тош қуролларидан иборат бўлган [9; 68–75].

1959 йили Х.К.Насриддинов Хўжакент 2 маконидида умумий майдони 49 кв. м. жойида қазилма ишларини амалга оширади. Ёдгорликнинг пастки

қисмидаги учинчи маданий қатламидан (қалинлиги 7–60 см.) мустье даврига оид 150 дона тош қуроллари топилган. Тош қуролларининг тури жуда кам, хом ашёси биринчи ёдгорликда ишлатилган қуролларники билан бир хил. Тош қуроллари бир зарб майдончасига эга гардишсимон ва леваллуа нуклеуслар, узун пластинкалар ва қирғичлардан иборат [8; 65], [9; 68–75].

А.П.Окладников Хўжакент 1 ва 2 ёдгорликларидан топилган тош қуролларини қутбсимон (гардишсимон) нуклеусдан леваллуа усулида синдириб олинган леваллуа-мустье маданиятига мансублигини қайд этиб, мустье даврининг ривожлаган босқичига доир деб таъкидлаган [9;68-75]. Р.Х.Сулаймонов ҳам унинг даври масаласидаги фикрини маъқуллаган [18] бўлса, В.А.Ранов уларни леваллуа техникасига киритиб, мустье даврининг сўнгги босқичига оид, деб ҳисоблайди [17].

1958-1960 йилларда Ўз РФА Тарих ва археология институтининг археологик отрядининг Тошкент шаҳридан ғарбда жойлашган Шоимкўприк (Бўзсув 1) ва Бўзсув 2 маконларида амалга оширган тадқиқотлари натижасида ўзида леваллуа-мустье техникасини акс эттирган гардишсимон, бир-икки ва кўп зарб майдончали нуклеуслар, пластинка ва учриндилардан иборат 241 дона тош қуроллари топилган. Тош қуроллар орасида сўнгги палеолит даврига оид қирғич ва пичоқлар сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этган [3;38–43]. 60-йиллар давомида Бўзсув канали худудини ўрганиш жараёнида Бўзсув 3–6, Қорақамиш, Зах каби очиқ жой маконлар аниқланиб, улардан топилган тош қуроллар палеолит даврининг ўрта босқичи билан саналанган [3; 60–65].

1960 йилда М.Р.Қосимов ва А.Р.Мухаммаджоновлар томонидан Кўксой тоғи тизмасининг Қоратутбош тармоғи қияликларида жойлашган Тусиё ёдгорлиги ўрганилган. Ундан чақмоқлашган сланецдан ясалган 40 та тош қуроллари териб олинган. Тош қуролларининг ўлчами катта ва оғир, сирти табиий таъсир натижасида патинизация бўлган. М.Р.Қосимовнинг фикрига қараганда Тусиё ёдгорлиги мустье даврида хом ашё қазиб олинган кон вазифасини бажарган [5;24].

1962 йилда ЎзР ФА Тарих ва археология институти Бўстонлик археологик отряди (илмий раҳбар – А.Р.Муҳаммаджонов) Чирчиқ дарёсининг юқори оқими худудида қидирув ишларини олиб бориб, Оқтош, Худайдод Вали I–IV, Тўдахотин, Захсой ва Обирахмат каби бир нечта ғор ва очик жой маконлар топишга муваффақ бўлган [10;21-27].

Мазкур тадқиқот ишлари даврида, яъни 1962 йилнинг баҳорида Чотқол дарёсининг сўл ирмоғи, Палтовсойнинг ўнг соҳилида жойлашган Обирахмат ғор-маконида Х.К.Насриддинов (А.П.Окладников илмий раҳбарлигида) ғорнинг ғарбий қисмида 3x4 м жойни 1,1 м чуқурликда қазилмани амалга ошириб, тўртта маданий қатламни аниқлаган. Топилган тош қуроллар санчки, қирғич, ретушланган пластинкалар, учриндилардан иборат. Уларнинг кўпчилигига иккиламчи ишлов берилган. Айрим қирғичлар сўнгги палеолит даври усулида ясалган [10;21–27].

1964 йилда Х.К.Насриддинов 1960 йилда қисман ўрганилган Оқтош маконида қазилма ишлари олиб бориб, натижада 5 та маданий қатламни аниқлайди. У маконинг учинчи маданий қатлампдан икки зарб майдончали, призмасимон нуклеус, пластинка ва учриндилардан иборат 30 дан ортиқ чақмоқтош қуролларни топган. Улар ясашиш усулига кўра сўнгги палеолит даври билан саналанган [10;24].

1964 йилда Чотқол дарёсининг ўнг томонида жойлашган Чотқол ғор макони очилиб, ундан топилган кам сонли материаллар М.Р.Қосимовнинг фикри бўйича “шакл-шамойили ва ясашиш усули жиҳатидан” Обирахмат тош қуролларига ўхшаш бўлган [5;24].

1964-1965 йилларда Обирахмат ғор маконида Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти археологик отряди ходими (Р.Х.Сулаймонов) қазилма ишларини давом эттиради. Тадқиқотчи томонидан дастлаб Х.К.Насриддинов амалга оширган Қазилма №1 ва кейин Қазилма №2 пастга 10 м. пастга қазилиб, 21 та маданий қатлам аниқланган. Улардан топилган бир нечта ўн мингдан иборат тош қуроллари мажмуаси тарикибида гардишсимон, бир, икки зарб майдончали нуклеуслар, тўғри учбурчак шаклли йирик ва узун леваллуа

тош қуроллар ҳамда қирғичлар мавжуд бўлган. Бир гуруҳ тош қуроллари призмасимон шаклга яқин. Юқори маданий қатламидан топилган тош қуролларининг ясаиш усули пасткисига нисбатан такомиллашган бўлиб, ўзида сўнгги палеолит даври хусусиятини акс эттирган [18; 7-18].

Обираҳматдан топилган тош қуролларининг техник-типологик ва статистик таҳлилига асосан Р.Х.Сулаймонов ғор маконнинг стратиграфиясини қуйидаги 5 та мажмуа ёки “ярусга” ажратган. А ярус (21–15 қатламлар) мустье даврининг сўнгги босқичи, Б ярус (14–9 қатламлар) мустье давридан сўнгги палеолит даврига ўтиш босқичига ва В ярус (8,7 қатламлар), Г (6–4 қатламлар) ва Д ярус (3–1 қатлам) сўнгги палеолит даврининг илк босқичи [18; 105].

Р.Х.Сулаймонов Обираҳмат макони тош қуролларини Ўрта Осиёнинг мустье даврига оид ёдгорликларидан топилган тош қуроллари билан қиёсий-статистик таҳлил қилиб, уларни ўзига хос мустье даври маданиятини намоён қилганлигини қайд этган. Обираҳмат маданияти ресс-вюрмнинг сўнгги босқичига оид бўлиб, унинг қуйи қатламидан топилган тош қуролларда мустье даври аломатлари аниқ намоён бўлади. Тош қуроллари мажмуаси таркибида гардишсимон шаклли нуклеусдан синдириб олинган техника усулида ясалган тош қуроллар сони кўпчиликни ташкил қилиб, қирғич асосий тош қуроли сифатида намоён бўлади. Обираҳмат маданиятининг кейинги босқичида протопризма нуклеусларнинг сони кўпайиб боради, пластинкаларнинг тиғини ретушлаш такомиллашади, тош қуролларининг сўнгги палеолит даврига оид кўпол шаклли нусхалари пайдо бўлади. Воситачи ёрдамида узун қилиб синдириб олинган пластинкалар пайдо бўлиб, улар тош қуроллари индустриясида сўнгги палеолит даврига оид синдириш техникасининг вужудга келганлигидан далолат беради. Лекин уларнинг шакллари мустье даври даражасида сақланиб қолади. Обираҳмат макони тош қуроллари мажмуаси Q₃ нинг илк босқичга оид бўлиб, ясаиш усулларига кўра мустьедан юқори палеолитга ўтиш даври техникасини намаён қилган. Кейинги даврда ҳам Обираҳмат маданияти учун хос бўлган кўпол ва архаик шаклли йирик тош қуролларни ясаиш аъбанаси сақланиб қолади. Бир вақтнинг ўзида тош

қуролларини синдириб олиш техникаси, уларнинг шакллари ва иккиламчи ишлов буриш усуллари такомиллашиб боради. Юқори маданий қатламда сўнгги палеолит даври тош қуроллари сони кўпайиб, мустъе даври қуроллари кейинги ўринга тушиб, аста-секин ясаиш усули бузила бошлайди [9;77-98].

Обираҳмат маданиятининг барча босқичлари учун қирғичлар хос тош қуроли ҳисобланиб, улар орасида Тешиктош тош қуролига ўхшаш шакллари ажралиб туради. Бундай тош қуроллар аста-секин ретушланган йирик пластинкага айланади. Обираҳмат маданияти тараққиёти давомида маҳаллий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда чуқур ўзгаришларга учраган [9;77-98].

Обираҳмат макони билан бир вақтда Палтов ғор-макон ҳам ўрганилган. Маконнинг мустъе даврига оид маданий қатламидан топилган 49 та тош қуролларининг хом ашёси ва ишлов берилиш усулига кўра Обираҳмат ва Хўжакент маконларидан топилган тош қуролларига ўхшаш бўлиб, улар ўзида леваллуа ва мустъе техникасини акс эттирган [15; 3-10].

1970-1971 йилларда Қозоғистон ССР ФА Тарих, археология ва этнография институти (раҳбар – Х.А.Альпысбаев) археология отряди Жанубий Қозоғистон ерларида археологик тадқиқот ишларини олиб бориб, Угам дарёнинг юқори оқими қисмини ҳам текшириб чиққан. Бу ердан бир нечта ғор-макон ва қоятош бостирмарини топиб ўрганган. Угам дарёсининг чап соҳилидаги Бесагаш ғоридан архаик шаклли ва ўйиқ-тишли тош қуролларни топган [1;29-30].

1980 йилда ЎзР ФА Археология институти У.И.Исломов раҳбарлигидаги археологик отряди Угам дарёсининг ўрта оқими ерларида жойлашган палеолит даврига оид айрим ёдгорликларни ўрганган. Улардан бири Хумсондан 20 км. шимоли-шарқда жойлашган Қумхона қоятош бостирмасида қазилган шурф натижасида чақмоқлашган оҳактошдан ясалган бир нечта учриндилар топилган. Улардан юзаси силлиқ, тиғи кичик зарб билан ретушланган пайрахасимон тош қуроллар топиб ўрганилган [3; 9-19]. Бу ердаги палеолит даврига оид ёдгорликларда ибтидоий одамлар доимий

яшамаган. Улар ибтидоий овчилар гуруҳининг ов мавсумида маълум муддат тўхтайдиган яшаш манзили ҳисобланган.

XX асрнинг 90-йилларигача Чирчиқ воҳаси худудлида палеолит даврининг барча босқичларига оид 28 та ёдгорлик аниқланган. Т.Оманжулов бу ердаги палеолит даврига оид ёдгорликларни, улардан топилган тош қуролларига ишлов бериш техникасига асосан икки гуруҳга, яъни тош қуролларини пластинкасимон ва леваллуа усулида синдириб олиш техникаси ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа ёдгорликлари ва Олд Осиё ёдгорликларидан топилган қуроллари билан ўхшаш белгиларининг мавжудлигига асосан Обираҳмат (Обираҳмат, Палтов, Хўжакент 1, 2, Чотқол 1,2) ва Кўлбулоқ гуруҳига (Бўзсув мажмуаси) ажратган. Тадқиқотчи мустъе даврига оид биринчи гуруҳини Ўрта Осиё ёдгорликлари орасида мустақил эканлиги ва ўхшаш ёдгорликлар Кавказ, Олд Осиё ва Днестр-Прут худудида тарқалганлигини таъкидлаган. Кўлбулоқ макони тош қуролларига иккиламчи ишлов беришнинг тишли хусусиятига асосан уларнинг Қўтирбулоқ маконига тош қуролларига яқинлиги тўғрисидаги фикрни билдирган. Шунингдек, тадқиқотчи Тошкентнинг тоғли Чирчиқ дарё воҳаси ерларидаги Наволисой, Кўкяйлов, Чотқол 1, 2, Қумхона ва бошқа ёдгорликлардан топилган тош қуролларини тишли мустъе техникасининг қўтирбулоқча типига мансублигини қайд этган [16].

1998 йилда ЎзР ФА Археология институти Россия ФА СБАЭИ билан ҳамкорликда Обираҳмат ғор маконида қазилар ишлари қайта ташкил қилинган. Ғор-маконда 2012 йилгача давом этган қазилар ишлари натижасида, 37 та маданий қатлам аниқланиб, улардан топилган тош қуроллари мажмуаси мустъенинг якуний босқичидан сўнгги палеолитга ўтиш техникасини намоён қилган ўзига хос Обираҳмат маданияти фаолияти юритганлиги тўғрисидаги Р.Х.Сулаймоновнинг илмий қарашларини мустаҳкамлаган. Ғор-макон чексиз даврлаштириш усуллари натижалари бўйича мил. авв. 80/70-40/35 минг йилликлар билан саналанган. Ғор-маконнинг 16-қатлаמידан топилган одам

суяги неандертал ва хома сапиенс оралиқ бўғинини ташкил этганлиги аниқланган [2;10–14].

2005 йилнинг август ойида К.И.Милютин ва В.С.Славинскийлар Чотқол дарёсининг ўнг irmoғи Палтовсойнинг ўрта оқими ерлари сатҳидан сал кам 1500 м. баландликда жойлашган Додикатем (Тўдахотин) 1,2 маконларини аниқлаган. Додекатим 1 макони битта маданий қатламли макон бўлиб, нишабнинг қулаш жараёнида унинг маданий қатлами аралашиб кетган. Топилган тош қуроллари призмасимон бир зарб майдончали нуклеуслар, пластинка ва учриндилардан ясалган қирғичлар, ретушланган қирғичлардан иборат [6;19–23.].

2006-2007 йилларда Додекатим маконларида археологик қазиш ишлари қайта ташкил этилиб, бешта маданий қатламдан иборат макондан олти мингдан ортиқ тош қуроллари мажмуаси топилган Додекатим 1,2 маконларидан топилган тош қуролларини техник-типологик хусусиятига кўра тадқиқотчилар сўнгги палеолит даврининг ривожланган босқичи билан даврлаштириб, дастлабки радиокарбон текшириш натижалари бўйича мил. авв. 23–21 минг йиллар билан саналанган [7;2-21].

Чирчиқ микровоҳасининг палеолит даврига оид ёдгорликларини ўрганиш натижасида муҳим илмий ютуқларга эришилди. Бу ерда ўрганилган йиғирмага яқин археологик ёдгорликлардан топилган моддий ашёлар худуднинг палеолит даври тарихи, энг қадимги одамлар турмуш тарзи ва моддий маданиятининг айрим масалаларини ёритишга хизмат қилган. Тош қуролларининг ясалиш усулига кўра ўлканинг тоғли қисмида пластинкасимон ва леваллуа техникасига асосланган Обираҳмат маданияти, қисман Кўлбулоқ маданиятига хос уйиқ-тишли техникаси ва текисликда эса ушбу маданиятга хос Бўзсув мажмуаси фаолият юритганлиги аниқланди.

Мустье даврида асосан энг қадимги одамлар томонидан Чирчиқ воҳасининг юқори оқими ерлари ўзлаштирилган. Сўнгги палеолит даврига оид ёдгорликлар жуда камчилликни ташкил этади. Бу ҳолат бевосита вюрм музлиги даври совуқ иқлим шароитига бевосита боғлиқ масаладир.

Умуман, Чирчиқ воҳасининг табиий ландшафти, яъни бой флораси ва фаунасининг хилма-хиллиги ҳамда меҳнат қуроқларини яшаш учун яроқли бўлган оҳақтош, қайроқтош, сланец, чакмоқтош навларининг мавжудлиги палеолит даврида қадимги аجدодларимизнинг уларни ўзлаштиришларида асосий омиллар ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алпысбаев Х.А. Предварительные итоги изучения памятников каменного века в пещерах Южного Казахстана 1969-1970 гг. // УСА. вып. 1. Ленинград: Наука, 1972. – 95 с.
2. Деревянко Г.П., Исламов У.И., Петрик В.Т., Сулейманов Р.Х., Таймагамбетов Ж.К., Кривошапкин А.И., Анайкин А.А., Зенин А.Н., Крахмаль К.А., Алимов К.А. Результаты возобновления исследований грота Оби-Рахмат. // ИМКУ. Вып. 30. Самарқанд, 1999. –// ИМКУ. Вып. 30. Самарқанд, 1999. – С.11-14.
3. Исламов У.И. Памятники первобытной культуры Ташкента и его окрестности (памятники эпохи палеолита). // У истоков древней культуры Ташкента. – Ташкент: Фан, 1982. – 199 с.
4. Исламов У.И., Оманжулов Т. Некоторые итоги изучения эпохи мустье Ташкентского оазиса. //ИМКУ. Вып. 20. Ташкент: Фан, 1986. – С.9-18.
5. Касымов М.Р. Палеолитические памятники в верховьях бассейна Чирчика. Древности Чарвака. – Ташкент: Фан, 1976. – 88 с.
6. Колобова К.А., Кривошапкин А.И., Деревянко А.П., Исламов У.И. Верхнепалеолитическая стоянка Додекатым-2 (Узбекистан) // Археология, этнография и антропология Евразии, 2011. – № 4 (48). – С.2-21.
7. Кривошапкин А.И., Милютин К.И., Новиков И.С., Исламов У.И., Мухаммадиев А.Г. Новые верхнепалеолитические стоянки в бассейне реки Пальтау (Республика Узбекистан). // ИМКУ. вып. 35. Ташкент: Фан, 2006. – С.19-23.

8. Насриддинов Х.К. Ходжакентская пещера №2-мустьерский памятник близ Ташкента. // ЎИФ, 1962. №4. – 65 с.
9. Насриддинов Н.К. Разведка следов каменного века в Бостандыкском районе в 1959 г. ИМКУ. Вып, 4. // ИМКУ. Вып, 4. – Ташкент: Фан, 1963. – С. 46-50.
10. Насриддинов Х.К. Пещера Акташ-палеолитическая стоянка под Ташкентом. //ЎИФ. №6. – Тошкент: Фан, 1963. – КИТОБНИНГ УМУМИЙ БЕТИ ҚАНЧА.
11. Насреддинов Х.К. Грот Обирахмат. //ИМКУ. Вып. 5. – Ташкент: – Фан, 1964. – С. 22-25.
12. Окладников А.П. Ходжикентская пещера-новый мустьерский памятник Узбекистана. // КСИА. Вып. №82. – Москва: Наука, 1961. – С.68-76.
13. Окладников А.П., Исламов О.И. Палеолитические находки в урочище Шуралисай (Бузсу-2). // ИМКУ. Вып. 2. Ташкент: Фан, 1961. – С.51-60.
14. Окладников А.П. Краткий отчет о раскопах Ходжентской пещеры в 1958 г. // ИМКУ. Вып. 4. – Ташкент: Фан, 1963. – С.23-30.
15. Оманжулов Т. Мустьерские памятники Ташкентского оазиса (технико-типологическое исследование): автореф. на соис. кан. ист наук. – Новосибирск, Институт Археология и этнография, 1978. – 24 с.
16. Омонжулов Т. Новая пещерная стоянка мустьерского времени в Узбекистане. // ИМКУ. Вып.17. – Ташкент: Фан, 1982. – С.11-15.
17. Ранов В.А., Несмянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. – Душанбе: Ирфон, 1973. – 256 с.
18. Сулейманов Р.Х. Статистический изучение грота Обирахмат. – Ташкент: Фан, 1972. – 172 с.